

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУҲИМ ВАЗИФА

Рахимхўжаев Рустам Нишонхўжаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси бошлиғи

E-mail: rustamraximxojayev@gmail.com

Атоев Алишер Азамат ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: atoyevalisher56@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бунга олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаган ҳолда уларнинг омилларига ечим излаш ҳақида тавсиялар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: хотин-қизлар ҳуқуқбузарлиги, жиноятчилик аҳволи, оиладаги муҳит, ишсизлик, ҳуқуқбузарлик содир этишдаги сабаб ва шарт-шароитлар, хотин-қизлар фаоллари, маҳалла еттилиги ва бошқа сўзлар.

ПРОФИЛАКТИКА ПРЕСТУПНОСТИ СРЕДИ ЖЕНЩИН — ВАЖНАЯ ЗАДАЧА

Рахимходжаев Рустам Нишанходжаевич

Начальник кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии

Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

E-mail: rustamraximxojayev@gmail.com

Атоев Алишер Азамат угли

Старший преподаватель кафедры оперативно-розыскной деятельности
Академии МВД Республики Узбекистан
E-mail: atoyevalisher56@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В данной статье даются рекомендации по профилактике правонарушений среди женщин и поиску решений их факторов посредством выявления приводящих к этому причин и условий.

Ключевые слова: правонарушения среди женщин, состояние преступности, обстановка в семье, безработица, причины и условия совершения правонарушений, активистки, махаллинская семерка и другие слова.

PREVENTING CRIME AMONG WOMEN IS AN IMPORTANT TASK

Rakhimkhodjaev Rustam Nishankhodjaevich

Head of the Department of Operational and Investigative Activities
Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

E-mail: rustamraximxojayev@gmail.com

Atoev Alisher Azamat ugli

Senior Lecturer, Department of Operational and Investigative Activities
Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

E-mail: atoyevalisher56@gmail.com

ABSTRACT

This article provides recommendations for preventing crime among women and for finding solutions to its causal factors by identifying the underlying causes and conditions.

Keywords: female delinquency, the state of crime, the family situation, unemployment, the causes and conditions for committing offenses, female activists, the makhalla seven, and other terms.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида “Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди” деб қатъий равишда белгилаб қўйилган¹.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.²

Шу сабабли ҳам жиноятларнинг олдини олиш ҳозирги кунда ҳам долзарб вазифалардан бири сифатида қолмоқда. Жамиятдаги инсонларнинг, авваламбор, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланмас экан, жамиятда жиноят содир этиш кундалик ижтимоий муносабатлар даражасига қадар шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2019 йилдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармонида³ ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Аммо, ҳозирги кунда хотин-қизлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилаётганлиги ёхуд уларнинг ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлардан жабрланиб қолаётганликлари жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқий онги ва иммунитетини ошириш, жамият ва оиладаги ўрни нақадар беқиёс эканлигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.-2023. <https://lex.uz/uz/docs/-6445145> (мурожаат санаси: 30.03.2026 йил)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2019 йилдаги ПФ-5618-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4149765>

³ Ўша манба.

тушунтириш орқали ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этиш аёл шаънига мутлақо тўғри келмаслигини англатиш лозим.

Шу билан биргаликда, уларнинг тазйиқ ва зўравонликка учраётганликлари муаммонинг нақадар чуқурлиги ва уларнинг туб илдизлари оилага бориб тақалиши орқали зарурий чораларни янада комплекс равишда кўриш лозимлигидан далолат беради.

Аёллар жинояти - бу аёллар томонидан содир этилган жиноятлар мажмуи. **Аёллар жиноятчилиги** - бу жиноятнинг бир қисми бўлиб, у бир қанча сифат ва миқдорий хусусиятлар, жиноятчилик омилларини белгиловчи бир қанча шахсият хусусиятларининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, аёллар жиноятчилигининг олдини олиш ҳам ўзига хос хусусиятга эга.

Мирзо Улуғбек тумани мисолида аёллар жиноятчилиги таҳлил этилганда, 2025 йилда 41 нафар аёллар томонидан **52 та олдини олиш мумкин бўлган** жиноятлар содир этилганлиги, шундан 19 та ўғрилиқ, 8 та фирибгарлик, 3 та безорилик, 3 та оилавий (маиший) зўравонлик, 1 та онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши ва 18 та бошқа жиноятларни ташкил этган. Ушбу жиноят содир этган аёлларнинг 41 % Тошкент шаҳрининг бошқа туманларидан бўлиб, 6 нафари профилактик ҳисобда туриб, муқаддам судланган шахслар эканликлари, ёш тоифасига кўра 9 нафари ёшлар, 2 нафари вояга етмаган ва 2 нафар 60 ёшдан ошганлар эканлиги албатта барчада хавотир уйғотади. Шунингдек, жиноят содир этган аёлларнинг 17 нафари расмий ва норасмий ишда ишловчилар бўлса, 12 нафари ҳеч қаерда ишламайди ва ўқимайди.

Жиноят содир этган аёлларнинг 23 нафари оилали, 8 нафари турмуш қурмаган (2 нафарни вояга етмаган), 8 нафари ажрашган бўлса, 1 нафари бева ва 1 нафари норасмий никоҳ асосида яшаб келган⁴.

⁴ М.Улуғбек тумани ИИОФМБ ХПБ маълумотлари асосида тайёрланди.

2026 йилнинг 3 оyi давомида 5 нафар аёллар томонидан 5 та жиноят содир этилган бўлиб, шундан 2 таси оила турмуш доирасидаги жиноятларни ташкил этади⁵.

Жиноятчи аёлларнинг бу турдаги жиноятларни содир этишларида умумий хусусият мавжуд бўлиб, кўплаб криминалист олимларнинг фикрича, бу турдаги жиноятларни содир этишга мойиллик жиноятчи аёллар учун субъектив томондан осонлик билан амалга оширилиши билан боғлиқ. Масалан, ўғрилиқ, фирибгарлик, ўзлаштириш каби жиноятлар содир этишда кўпроқ жисмоний меҳнат эмас, балки ақлий фаоллик талаб этилади. Ўз ўрнида жиноятчи аёллар руҳияти енгил ҳаётга эришиш учун турли ҳийлалар ўйлаб топиш, қонунни четлаб ўтишнинг янгидан янги йўллари излаш ҳамда жиноятни содир этишнинг ўзига хос усулларидан фойдаланишга ундайди.

Аёлларнинг ушбу жиноятларни содир этишда юқори жиноят фаоллиги, кўпгина ҳолларда аёл жиноятчилигига уни ўраб турган муҳити таъсир кўрсатади.

Масалан:

- доимий иш жойининг йўқлиги;
- ойлик маошининг пастлиги;
- турли маданий ҳордиқ чиқаришга моддий аҳволи йўл қўймаслиги;
- доимий етишмовчилик;
- мутассил руҳий зарбалар;
- алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш;
- шахсий адоват аёлларни жиноят сари етакловчи омиллар

ҳисобланади.

Шунингдек, аёллар томонидан жиноятлар қуйидаги сабабларга кўра:

- муқаддам содир этган қилмишидан тегишли хулоса чиқармаганлик натижасида;
- жабрланувчининг ғайриижтимоий хулқ-атвори натижасида;

⁵ Ўша манбаа.

- тўсатдан вужудга келган ўзаро зиддият натижасида;
- оилавий келишмовчилик натижасида;
- спиртли ичимлик таъсирида келиб чиққан жанжал натижасида;
- енгил йўл билан пул топишни мақсад қилиш натижасида;
- ўзига ишониб топширилган мол-мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш натижасида;

Қуйидаги шарт-шароитларга кўра:

- жабрланувчилар томонидан қимматбаҳо нарса ва буюмларнинг қаровсиз қолдирилиши натижасида;
- жабрланувчи томонидан қимматбаҳо буюмларни кўз-кўз қилиши натижасида;

Шунингдек, ғайритабiiй хулқ-атвор ва ондаги психологик бузилиш, маҳалладаги спиртли ичимликка ружу қўйган аёллар билан етарли даражада профилактик тадбирлар амалга оширилмаганлиги каби омиллар ҳам аёлларнинг жиноят содир этиши учун хизмат қилади.

Аёллар жиноятчилигини шахсини ўрганишда олимлар томонидан икки хил назариялар илгари сурилади: А.Кеттленинг фикрига кўра, аёлларнинг жиноят оламига киришга улар яшаган ижтимоий муҳит, турмуш тарзи, танлаган касби, ёши, маълумоти ва бошқа умумий ҳолатлар сабаб бўлади. Уни ўраб турган ташқи муҳит эса жиноят содир этишга фақатгина туртки вазифасини ўтайди, дея таъкидлайди олим.

Аёл жиноятчилигининг таркиби зўравонлик жиноятларининг нисбатан паст даражаси билан ажралиб туради, улар асосан оилавий ва кундалик ҳаётда содир бўлади. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда аёллар ўртасида бундай зўравонлик жиноятларининг сони ортиб бормоқда: аксарият ҳолларда улар саломатликка озгина зарар этказиш, калтаклаш, қотиллик таҳдидларини ўз ичига олади. Аёлларнинг зўравонлик жинояти асосан оилавий ва маиший феъл-атворга эга бўлишига қарамай, сўнгги йилларда аёлларни

ёлланма мақсадлар учун қотиллик қилиш ҳолатлари кўпаймоқда, талончилик билан боғлиқ.

Сўнгги йилларда гиёҳванд моддалар савдоси билан боғлиқ жиноятларда аёлларнинг жинойий фаоллиги ошди. Шу билан бирга, улар кўпинча бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бундай жиноятларнинг ташкилотчилари сифатида ҳаракат қилишади. Умуман олганда, жиноят содир этганлар орасида аёллар улуши паст: 2025 йилда бу тахминан 13,5%ни ташкил этди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жиноятчи аёлларнинг ярмидан кўпи 30 ва ундан катта ёшдаги жиноятлар. Шу билан бирга, аёлга қўйиладиган жазо тури оиланинг кейинги сақланиб қолишига катта таъсир кўрсатади⁶.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб аёллар жиноятчилигини олдини олишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари ва “маҳалла еттилиги”нинг бошқа аъзолари билан биргаликда хотин-қизларни “нотинч оила”, “низоли оила”, “ажрим ёқасидаги оила”, “бола тарбиясига эътиборсиз оила”, “ёлғиз она”, “боқувчисини йўқотган оила” каби тоифаларга бўлган ҳолда яқка тартибда ишлаш механизмини жадаллаштириш;

- ҳоким ёрдамчилари томонидан ишсиз ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш орқали уларнинг бандлигини ва юқори даромад топишини таъминлаш;

- “Оилавий қадриятлар комиссия”ларига нуроний, маҳаллада юқори обрўга эга аёлларни киритган ҳолда юқорида қайд этилган тоифадаги шахслар билан доимий суҳбат ва маслаҳатлашувни йўлга қўйиш;

- муқаддам судланган хотин-қизларни “e-ijtimoiy profilaktika” платформаси орқали ижтимоий профилактика тадбирларига жалб этиш чораларини кўриш лозим.

⁶ Убайдуллаева Дилноза Акмаловна, АЁЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАСНИФИ. <https://journalss.org/index.php/mod/article/view/22023/21217> (мурожаат санаси: 30.04.2026 йил)

Юқоридаги каби профилактика чораларининг амалий йўналишларида маҳалла ва жамоатчилик билан ҳамкорлик асосида аёллар билан профилактик суҳбатлар олиб бориш фирибгарлик ва ўғриликни 15-20 фоизга камайтириши мумкин⁷.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, жамиятимизда хотин-қизлар жинойтчилигининг олдини олиш келгусидаги соғлом жамиятни бунёд этишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

М А Н Б А Л А Р:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.-2023. <https://lex.uz/uz/docs/-6445145>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2019 йилдаги ПФ-5618-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4149765>
3. Убайдуллаева Дилноза Акмаловна // Аёллар томонидан содир этилган жинойтларнинг сабаблари ва криминологик таснифи. <https://journalss.org/index.php/mod/article/view/22023/21217>
4. Grassroots struggles against domestic violence in Uzbekistan: strategies of exit and voice // Central Asian Survey. – 2022. – Vol. 41, No. 3. – P. 1-20. (Scopus-indexed).
5. М.Улуғбек тумани ИИОФМБ ҲПБ статистик маълумотлари.

⁷ Grassroots struggles against domestic violence in Uzbekistan: strategies of exit and voice // Central Asian Survey. – 2022. – Vol. 41, No. 3. – P. 1-20. (Scopus-indexed). (мурожаат санаси: 30.04.2026 йил)